

---

## “МЕҲРЖОН” БАЙРАМИ НИШОНЛАНДИ

Куз мўл-кўлчилик фасли бўлиб, дастурхонларимиз турли хил ноз-неъматларга тўлади.

Туман Маданият марказида 6-ДМТТташқиллаган «Меҳржон» байрами ҳам бунинг айна мисолидир.

Бу галги байрамда 3 та тайёрлов гуруҳи тарбияланувчилари ўз истеъдодларини намойиш этишди.

Тадбирда туман ҳокими ўринбосари Қ.Миртазақулов, Маънавият -маърифат маркази туман бўлинмаси раҳбари (в.в.б) Н.Зарипова, туман Мактабгача ва мактаб таълим бўлими мутасаддилари ташриф буюришди.

Болажонлар томонидан Ватан, олтин куз, полиз экинлари ҳақида шеър ва мақоллар, куй-қўшиқлар ижро этилди. «Меҳржон» байрами якунида фаол иштирокчилар совғалар ҳамда фахрий ёрлиқлари билан тақдирландилар.

2024-11-09 18:44:55